КАСБИЙ ҚИЗИҚИШНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ИЖОДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

К.ТУРҒУНБОЕВ, М.ЗУЛУНОВ

Статья посвящена изучению педагогических основ организации творческой познавательной деятельности в процессе формирования профессионального интереса.

The article is devoted to the learning of pedagogical bases of creative organizing of knowing activity in formulation of professional interests.

XXI аср жаҳонда интеллектуал кучлар ҳукмронлик қиладиган аср бўлиб қолади. Бу даврда интеллектуал кучларнинг ўзаро алоқаси ва уларнинг орасида интелектуал муҳит яратишга бўлган интилиш бир қатор фанларнинг интеграциялашуви жараёнида янги фан йўналишларининг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишининг тезлашувига кучли таъсири ўтказмай қолмайди.

Бу эса бугунги кунда таълим-тарбия жараёни олдида интеллектуал салоҳиятли ёшларни танлаш, улар орасида ижодий билиш фаолиятини ташкил этиш ҳамда йўлга қўйишнинг самарали шакл ва усулларини излаб топиш ва самарали қўллаш заруриятини келтириб чиқаради. Таълимнинг шахс ҳаётида тутган ўрни, унинг билиш имкониятлари, ижодий фаолият тажрибасини таҳлил қилмасдан муносабатларни ўзлаштириш чегараларини аниқлаш мумкин бўлмаганидек, таълим мақсади, воситаси, натижасини олдиндан белгиламасдан уларга мос келадиган фаолиятни амалга ошириш усулларини танлаш, уларда ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстиришга мос келадиган воситалар тизимини ишлаб чиқиш мушкул. Фан асослари, маънавиятни эгаллаш хотиранинггина бўлмай, балки, тафаккурнинг ҳам иши ҳисобланади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, ижодий фикрлай оладиган ёшларни тайёрлаш, тарбиялаш кўп жиҳатдан билиш фаолиятини ижодий ташкил этишга боғлиқ.

Бу эса педагогик амалиётни янгича ташкил этишни, шахсни таълим жараёнининг фаол субъекти сифатида ўрганишни тақозо этади. Бунинг учун ўқув жараёнини шахснинг реал билиш имкониятлари, мустақиллик даражаси, тафаккурига мўлжаллаб ташкил этиш, ўқувчи фаолиятини таълимнинг субъекти сифатида тавсиф қилиш, уларда ижодкорликни тарбиялаш ижтимоий ва илмий қимматга эга бўлган муаммо ҳисобланади.

Билиш жараёнини ижодий ташкил этишни “ўқитувчи ва ўқув материали” ҳамда “ўқувчи ва ўқув материали” тизимлари мисолида қараб чиқиш, таҳлил қилиш мумкин. “Ўқитувчи ва ўқув материали” тизимида ўқув материалининг бир ҳолатдан, яъни ўқувчи ҳали ўрганиб улгурмаган ҳолатдан ўрганилган шаклга келишига онг ҳодисаси сифатида қаралади. Онгнинг ўқув материали билан дуч келиши режалаштириш жараёнининг юзага келишига олиб келади.

Режалаштириш жараёнида икки хил ўзгариш юз беради:

Ўқитувчи фаолиятида юз берган ўзгариш ўқув материали таъсирининг натижасидир. Ўқув материали ўзининг мураккаблиги, қийинлиги билан ўқитиш фаолиятига нисбатан “тўсиқ” кўринишини олади. Ўқув материалига дидактик ишлов бериш жараёнида у бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўтказилади. Ўқув материалларининг кўринишлари ниҳоятда кўп: ўқув топшириғи, муаммо, чизма, тест, кроссворд ва шу кабилар. Бу кўринишларнинг ҳар бири ўқитувчида маълум қобилиятларни ҳам тарбиялайди. Жумладан, дарслик материалларини турли кўринишларга келтириш, ўқитувчи учун маҳорат мактаби ҳисобланади.

Ўқув материалларига дидактик ишлов бериш жарёнида унда содир бўлган ўзгаришларни сеза оладиган ўқитувчида олдиндан пайқаш лаёқати ҳам ривожланиб боради. Олдиндан пайқаш лаёқати ижодий фаолиятнинг ўзигагина хос етакчи сифат бўлиб, у билиш, лойиҳалаш, тасдиқлай билиш каби қатор хусусиятларга эга. Ушбу масала ижодий педагогик маҳоратнинг қуйидагича функциялари асосида кенг шарҳланган: қоида, таъриф, аниқлик, формулаларни ўзига хос тарзда шарҳлаш, олдиндан кўра билиш, билиш жараёнининг кечишини болаларга хос қилиб лойиҳалаш, таълим мақсадларини болаларга мослаб тушунтириш, таълим эталонларини туза олиш, ечимларни танлай билиш, ўзининг ва ҳамкасабаларининг камчиликларини пайқай олиш.

Билиш фаолиятини ижодий тарзда ташкил этишда “ўқувчи ва ўқув материали” тизимида таҳлил қилиш йўли билан ўзаро таъсир турларини ажратишга, компонентлар ўртасидаги алоқаларни тавсифлашга эришиш зарур. Аввал ўзаро таъсирни фаолият, сўнгра ўқув материали жиҳатидан ўрганиш ижодий ўзлаштиришнинг жараёнли ва воситали томонларини таҳлил қилиш имкониятини кенгайтиради.

Ўқиш ва ўқув материалининг ўзаро таъсирида икки хил вазифани ажратамиз:

1. Нофаол вазият – бу вербал ўзлаштириш бўлиб, улар ўқувчилар хотирасига мўлжалланган.

2. Фаол вазият – бу болаларнинг ижодий ўзлаштириши бўлиб, у ўқувчилар тафаккурига мўлжалланган.

Ўқув материали билан учрашув болаларда қизиқиш, мотив, эмоция, ҳайратланиш, билиш эҳтиёжларини юзага келтиради. Инсон эҳтиёждан фикрлашга, фикрлаш динамикасидан хатти-ҳаракатлар динамикасига қараб боради. Ташқи таъсир ва ички эффектларнинг ўзаро синтезида бола ижод қилади. Ижод қилиш йўли билан эришилган натижа субъектив қимматга эга бўлиб, боланинг шахсий қобилиятларини ривожлантириш, келажакка тайёрлаш функцияларини бажаради.

Ўқувчи ва ўқув материалининг ўзаро таъсири хусусиятларига кўра ижод қилиш жараёнининг икки босқичи ажратилади:

1. Шартли белгилар билан учрашув. Бу босқичда икки хил ўзгаришни қайд этиш мумкин: а) ўқувчи таъсирида белгиларнинг англанган ҳолатга келиши; б) шартли белги(ҳарф, ёзув)лар таъсирада болада содир бўлган ўзгаришлар – белгилар воситасида берилган мазмунни фаҳмлаш.

2. Шартли белгилар (ёзув) воситасида берилган мазмунни ўз соҳасига кўчириш. Бу жараёнда ҳам икки хил ўзгаришни қайд этиш мумкин: а) ўқувчи таъсирида шартли белгилар ўзига хос мазмунга айланади; б) шартли белги таъсирида ўқувчи онгида содир бўлган ўзгаришлар – фикрлаш, анализ ва синтез қилиш, таққослаш, тушуниш. Демак, ўқув материлларида шаклий (форма), болада мазмуний ўзгаришлар юз беради.

Шаклий (“а” ва “а”) ва мазмуний (“б” ва “б”) ўзгаришлар дидактик қимматга эга бўлиб, уларнинг рўёбга чиқишида турли боғланишлар амал қилади. Моҳияти жиҳатидан боғланиш икки турли бўлади: салбий алоқалар, ижобий алоқалар.

Салбий алоқалар ўқув материалининг ахборот жиҳатига даҳлдордир. Дарсликда берилган билим билан реал борлиқ ўртасидаги боғланишни фахмламаслик, ўрганилган билимни ўқув ҳолатларига кўчира олмаслик кабилар салбий алоқалар сирасига киради. Салбий боғланишларни чегаралаш, имконият даражасида уларни йўқотиш таълимнинг самарадорлигин таъминлайди.

Ижобий алоқаларни тўрт турга ажратиш мумкин:

1)мазмунли алоқа – бу билим ва бола фаолияти ўртасидаги боғланишни ифодалайди;

2)мақсадли алоқа – бу ўқув материалини мустақил ўрганиш жараёнида бола ҳаракатга тенг мақсаддан оралиқ мақсадга – давлат таълим стандартларига ва ундан бош мақсад – билимлардан амалиётга қараб боришини ифодалайди. Ўз олдига мақсад қўя билиш, қўйилган мақсадга интилиш ўқувчиларда ижодкорликни тарбиялайди. Бошқача

қилиб айтганда, мақсад субъектда шаклланадиган у ёки бу фаолиятнинг энг асосий ҳолати сифатида амал қила бошлайди. Ўқув материалини ўзлаштириш мақсади билан ўқувчи ўртасидаги боғланишни мақсадли алоқа деб аташ мумкин;

3)функционал алоқа – бу ҳар бир ўқув материали бола фаолиятида маълум бир вазифани бажаришини кўрсатиб беради. Ўрганилаётган мавзуни функционал изоҳлаш икки жиҳатдан аҳамиятли: олдин ўрганилган мавзунинг энди таҳлил қилинадиган мавзу билан муносабатини аниқлаш; бир қатор ўрганилган объектлар билан энди ўрганиладиган объект ўртасидаги муносбатларни таҳлил қилиш;

4)воситавий алоқа – бу мактабда эгалланадиган билимларнинг ҳар бир бўлагида икки нарса мужассамлигини аниқлаб беради: объект тўғрисидаги маълумот ва объектга мос келадиган аҳамият касб этувчи усул. Ўрганилган билим, шаклланган фаолият усули янги билимларни мустақил ўрганиш жараёнида восита сифатида иштирок этади. Шу ҳодисани назарда тутиб, ўқиш-ўрганиш воситалари ўқувчининг ўзида бўлиши мумкин.

Ўқувчи ва ўқув материалининг ўзаро таъсири яхлит тизим бўлиб, унинг олдинги босқичида амалга оширилган мақсад кейинги босқичларда янги муаммоларни ҳал қилиш, топшириқларни бажариш воситасига айланади. Чунки, ижодий билимнинг асосий белгиларидан бири инсонни янги билимларни эгаллаш воситси сифатида кўрсатишидан иборат.

Ижодий таълимни ташкил этишнинг мақсади болаларда ижодий қобилиятни тарбиялашдир. Ижод фанлараро интеграцион жараён ҳисобланиб, у фалсафа, социология, психология, педагогика каби фанларда ўрганилади. Ҳар бир фан ижод, ижодийлик муаммоларига ўз мақсади ва воситалари билан ёндашади. Масалан, фалсафа билимларнинг ҳақиқийлиги, тафаккур ҳодисаларига мослиги, назария ва амалиётнинг ўзаро мувофиқлиги каби жиҳатлардан ижодийлик муаммосига ёндашса, социология ижодга рағбатлантириш, йўналтириш, ижодкор йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш каби муаммоларни ҳал этади. Бир-бирига яқин фанлар – психология ва педагогиканинг ҳам ҳар бирининг ўзига ҳос нуқтаи назари мавжуд. Психология янги очилган қонуният, ҳодисани кашф этишда тафаккур, билим механизмлари қандай иштирок этишини ўрганса, педагогика ёшларда ижодий қобилиятларни тарбиялаш мақсади, восита, функцияси ва натижаларни таҳлил қилади.

Ижод, ижодкорлик – туғма қобилият ва ҳосила сифатлар синтезида амал қилиб, ижтимоий ҳамда шахсий қимматга эга бўлган янги моддий ва маънавий бойликларни яратишга йўналган маҳсулдор субъектив фаолиятдир.

Ижоднинг шахснинг ижтимоийлашувидаги қиймати – бу ижоднинг жамиятни ривожлантириш, моддий ва маънавий бойликларни кўпайтириш, ишлаб чиқариш қуроллари, воситаларини такомиллаштириш соҳасидаги аҳамиятидир; ижоднинг шахсий қиммати – бу ижоднинг инсон шахсини ривожлантириш, унда тафаккур, фикрлаш шаклларини тарбиялаш, ёшларни бунёдкорликка тайёрлашдир. Бу ўринда ижоднинг дастлабки қиммати ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш, кейингиси эса таълим-тарбия нуқтаи назаридан тушунилади.

Ижод инсон фаолиятининг онгли, спиралсимон ҳаракати бўлиб, у таълим-тарбиядан келажакка – бунёдкор ишлаб чиқаришга йўналган. Ўтмиш ва келажакни икки нуқта шаклида тасаввур этиб, ижод маҳсулини ҳозирни таъминлаш омили сифатида қараймиз.

Бинобарин, ижодкор ёшларни тарбиялашга ўзбек давлатчилигининг ҳозирги тараққий босқичидаги энг долзарб муаммо деб қараш лозим. Шу нуқтаи назардан қаралганда, ўқувчи фаолиятини таълим жараёнининг субъекти – яъни билиш жараёнини ижодкори сифатида ўрганиш зарур.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекситон тараққиётининг пойдевори.- Т.: Шарқ, 1997.
2. Адизов Б.Р. Дидактика. Ўқув қўлланма.- Т.: Фан, 1997.
3. Понамарёв Я.А. Психология творчества и педагогика. - М.: Педагогика, 1976.
4. Елемесова З. А. Мактаб ўқувчиларида мантиқий фикрлаш қобилиятини шакллантириш йўллари. Т., 1997
5.Турғунбоев К, Тешабоев А. Педагогика назарияси ва тарихи. Ўқув қўлланма.- Андижон, 2010

Андижон давлат университети,
2010 йил 10 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Х.Ҳасанов)